

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

**АЙТИМОВ ИСЛАМБЕК АЛИМБЕТОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АГРОБИОЦЕНОЗИ ЎРМОНЗОРЛАРИ  
ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИНИНГ ИЛМИЙ  
АСОСЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН – 2022**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Айтимов Исламбек Алимбетович**

Қорақалпоғистон агробιοценози ўрмонзорлари зараркунандаларига қарши  
кураш чораларининг илмий асослари ..... 3

**Айтимов Исламбек Алимбетович**

Научные основы мер по борьбе с вредителями в лесных насаждениях  
Каракалпакского агробιοценоза..... 21

**Aytimov Islambek Alimbetovich**

The scientific basis of measures for pest control in the forests of the Karakalpak  
agrobiocenosis ..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 41

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

**АЙТИМОВ ИСЛАМБЕК АЛИМБЕТОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АГРОБИОЦЕНОЗИ ЎРМОНЗОРЛАРИ  
ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИНИНГ ИЛМИЙ  
АСОСЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Qx213 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг(www.andqhai.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Торениязов Елмурат Шериниязович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мирзаева Саида Абдусаломовна**  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

**Хайтмуратов Арсланбек Файзуллаевич**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

**Ётақчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси**  
**Зоология институти**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳузуридаги PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 рақамли Илмий кенгашнинг «15» 02 2022 йил соат 1400 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 170600, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйган ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси 1-уй. Тел.:(+99874) 373-10-54; факс: (+99874) 373-13-63; e-mail:agai@edu.uz. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Маъмурий биноси, 1 қават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 15 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси 1-уй. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел. (+99874) 373-10-54.


Диссертация автореферати 2022 йил «07» 02 кун тарқатилди.

(2022 йил «01» 02 даги 15 рақамли реестр баённомаси).



  
**А.Исаиов,**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

  
**С.О.Абдурахмонов,**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., к.и.х.

  
**К.С.Комилов,**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.н., доцент.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун дунёда ўрмонлар муҳим биологик омил сифатида биосферада юқори аҳамиятга эга бўлган биологик ресурс ҳисобланиб, инсон истеъмоли учун керак бўладиган қайта тикланувчи ресурс манбайидир. “Ер юзида 336,2 минг км<sup>2</sup> майдонда ўрмонзорлар мавжуд бўлиб, улар қуруқликнинг 30,8% ни ташкил қилади. Жумладан: Ўрмонзорларнинг асосий қисми Россия (8148895 км<sup>2</sup>) ва Бразилия (4925540 км<sup>2</sup>) мамлакатларига тўғри келади.”<sup>1</sup>. Мавжуд ўрмонлар ҳудуд иқлимининг мувозанатини сақлашда асосий омил бўлиши билан бирга, агробиоценозда қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган майдонлар ҳисобланади. Ушбу майдонларда етиштириладиган экинларга зарар келтирадиган кемирувчи, сўрувчи зараркунанда турларининг ривожланиш биоэкологияси, динамикаси ва зарар келтириш даражасини аниқлаш ҳамда уларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунёнинг етакчи USDA-ARS, Crop Germplasm Unit., Central Institute for Cotton Research, CIRAD, Cotton Research Institute of CAAS, CSIRO Plant Industry, Australian Tropical Grains Germplasm Centre илмий-тадқиқот марказларида агробиоценоз зараркунандалари турларини аниқлаш, улар келтирадиган зарарини асослаш ва уларнинг миқдорини бошқариш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Бунинг натижасида агробиоценоздаги зараркунандалар миқдори меъёрлаштирилган, агробиоценознинг сифатини сақлаб қолишга эришилган. Ҳозирги кунда агробиоценозда мавжуд зараркунанда турлари, миқдори ва уларни бошқариш, уларни биологияси, экологияси ва зарарлаш даражасини аниқлаш борасида тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Республикамиз ўрмонлари аҳоли учун бебаҳо табиий бойлик ҳисобланиб, 32088 км<sup>2</sup> майдонни эгаллайди. Орол бўйи минтақасида яъни Амударёнинг икки қирғоғида жойлашган тўқай ўрмонлари агробиоценозида пайдо бўлган зараркунандаларнинг экинларга бевосита салбий таъсирини камайтириш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур муаммони ҳал қилиш учун агробиоценоздаги асосий хавфли зараркунандаларга қарши илмий асосланган кураш тадбирларни ишлаб чиқиш соҳанинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегиясида “...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш:” бўйича бир қатор тадбирларни амалга ошириш вазифалари белгилаб берилган”<sup>2</sup>. Бу эса касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ҳамда юқори маҳсулдорликни таъминлаш ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ўтказишни тақозо этади.

<sup>1</sup> [https://www.lesonline.ru/les\\_squares/](https://www.lesonline.ru/les_squares/)

<sup>2</sup> <https://strategy.uz>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20-декабрдаги №1004-сон «Сув хўжалиги объектлари бўйларида ихота ва дарахтзорлар барпо этиш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>3</sup>, 2018 йил 10-октябрдаги №717-сон «Давлат ўрмон хўжалиги органларининг фаолиятини такомиллаштириш ва ўрмон хўжаликларининг чегара ҳудудлари табиий ресурсларидан фойдаланиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>4</sup> Қарорлари ва мазкур муаммоларни ҳал қилишга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация мавзуси республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Агробиоценоздаги мавжуд ўрмонзорларда ва ушбу ҳудудда жойлаштирилган қишлоқ хўжалик экинлари далаларида тўпланиб, ривожланадиган зараркунанда ва энтомоакарифаг турлари, уларнинг биоэкологияси ва зарар келтириш даражасини аниқлаш бўйича комплекс олиб борилган илмий-тадқиқотлар жуда кам. Ўрмонзор дарахтларидан тўранғил, қайрағоч, шаҳар кўчаларида экилган манзарали дарахтларда пайдо бўладиган зараркунанда турлари, уларга қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш Э.Т.Берим, А.И.Воронцов, Г.Ф.Гизатуллина, О.Дўсмуродов, А.И.Ильинский, Н.Г.Ким, П.Н.Кулинич, Б.А.Малоземов, И.К.Махновский, Х.Муродов, О.Н.Рахмонов, О.Ниетуллаев, Н.И.Рябцева, Ю.Б.Синадский, А.Г.Семенов, Р.А.Султонов, Н.А.Харчинко, С.Р.Черкезова каби олимлар томонидан ўрганилган. Республикамиз агробиоценозида тарқалган турларни аниқлаш ва қарши кураш тадбирларини ташкиллаштиришда Ф.Гаппаров, Б.Айбергенов, З.Нафасов, З.Бекбергенова, М.Туремуратов, Н.Туфлиев, Д.Халдурдиева, Х.Шукуров, Ш.Юсупов, Ш.Эсанбоевлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Бунда, агробиоценозда мавжуд зараркунанда турлари, уларни биологияси, экологияси ва зарарлаш даражаси ҳамда уларга қарши кураш тадбирлари ишлаб чиқилган. Аммо, агробиоценоздаги ўрмон зараркунандаларининг биоэкологияси ва уларнинг ҳудуди қишлоқ хўжалик экинлари далаларида маданий ўсимликларга зарарли таъсири кам ўрганилганлиги боис ушбу йўналишда тадқиқотлар ўтказиш долзарб ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Республикамиз шароитида бажарилган №КХА-9-003-2015 «Қорақалпоғистон шароитида ғалла экинлари зараркунанда турлари, биоэкологик ривожини ўрганиш ва уларга қарши уйғунлашган кураш тизимини ишлаб чиқиш» ва №КХИ-5-036-2016 «Қорақалпоғистон шароитида

<sup>3</sup> <https://lex.uz/pdfs/3469409>

<sup>4</sup> <https://lex.uz/pdfs/3901259>

сабзавот-полиэ экинларида тунламлар, шира турларига қарши такомиллаштирилган биологик услубни қўллашни жорий этиш» мавзусидаги лойиҳаларнинг бир қисми ва давоми сифатида бажарилди. (2015-2017 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** Қорақалпоғистон Республикаси агробиоценози, ўрмонзорлари ва ушбу ҳудудда экилаётган қишлоқ хўжалик экинлари далаларида тарқалиб, зарар келтирадиган кемирувчи, сўрувчи зараркунанда турларининг ривожланиш биоэкологияси, динамикаси ва зарар келтириш даражасини аниқлаш, уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:**

агробиоценозда мавжуд ўрмонзорларни ташкил қиладиган дарахт-бута ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик экинлари турлари, биохилма-хилликка таъсир этадиган абиотик, биотик, антропоген омилларни аниқлаш;

агробиоценозда учрайдиган бўғимоёқли зараркунанда турларининг биоэкологияси, ривожланиш динамикасига салбий таъсир этувчи экологик ва агротехник омилларни ажратиб олиш, қишлоқ хўжалик экинлари далаларига зараркунандаларнинг миграция даври аниқланганда уларга қарши курашиш усулларини ишлаб чиқиш;

агробиоценоздаги энтомофаг, акарифаг ва гербифагларнинг роли, уларни ўрмонзор ва қишлоқ хўжалик экинлари далаларида тарқалган зараркунандаларга қарши қўллаш тартибларини ишлаб чиқиш;

агробиоценоздаги қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтирадиган зараркунандаларга қарши биологик усулни қўллашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш;

зараркунандаларга қарши қўлланиладиган кимёвий усулнинг «Уйғунлашган қарши кураш тадбирлари тизимида»ги миқёси, қўллаш меъёри ва мақбул вақтини ҳамда экологик жиҳатдан зарарсиз препаратлар ва усулларини такомиллаштириш;

агробиоценоз ўрмонзорларидаги асосий қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши олиб бориладиган кураш тадбирларининг биологик, хўжалик-иқтисодий самарадорлигини асослаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қорақалпоғистон Республикаси шароитида агробиоценоз ўрмонзорлари, қишлоқ хўжалик экинлари турлари, биотопларда тўпланадиган зараркунандалар, энтомоакарифаглар мажмуи олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, ўсимликларга зарар келтирадиган кемирувчи, сўрувчи зараркунанда турларининг ривожланиш биоэкологияси, динамикаси ва зарар келтириш даражасини аниқлаш, уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш, химоя қилиш усуллари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Биотопларда тарқалган бўғимоёқлилар турларини, биоэкологиясини, динамикасини аниқлаш Б.П.Адешкевич, В.Б.Голуб, К.В.Новожилов, Ш.Т.Хўжаев ва бошқалар, зараркунандаларнинг зарар келтириш мезонлари В.И.Танский, Зараркунандаларга қарши кураш тадқиқотлари учун Х.Р.Мирзалиева, Х.Х.Кимсанбаев, Ш.Т.Хўжаев ва б.

услуглари, биоагент ва препаратларнинг биологик самарадорлиги В.Аббот формуласи ёрдамида, иқтисодий самарадорлик эса К.А.Гар, А.Ф.Ченкин, олинган натижалар А.К.Гар ва Б.А.Доспехов, вариантлар орасидаги энг кичик фарқ (ЭКФ) ЎХҚИТИ нинг «Мониторинг ва ахборот технологияларини қўллаш бўлимида» ишлаб чиқилган компьютер дастури ёрдамида аниқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

агробиоценозда учрайдиган зараркунандалардан тунламлар ва чигирткаларнинг турлари бегона ўтларда кўпайиб, май ойининг охири, июнь ойининг бошларида қишлоқ хўжалик экинларига миграция қилиб, ғўзада 0,5-4,5 м<sup>2</sup>/донага, сабзавотда 1,2-6,2 м<sup>2</sup>/донага, полизда 0,3-2,9 м<sup>2</sup>/донагача кўпайиши натижасида ҳосилнинг 25,3-34,2 фоизини нобуд бўлиши илмий жиҳатдан исботланган;

агробиоценоздаги қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтирадиган зараркунандаларга қарши курашда биологик усул қўлланилганда, ғўза, помидор, қовун далаларида биологик самарадорлиги 73,5-75,8%, ни ташкил этиб, гектаридан 2,8-12,1 центнер ҳосил сақлаб қолинганлиги, натижада иқтисодий самарадорлик 404,9-550,4 минг сўмни ташкил этганлиги аниқланган;

агробиоценоздаги зараркунандаларига уйғунлашган қарши кураш тадбирлари тизимида препаратларни қўллаш муддатлари ва меъёри ўрганилиб, экологик жиҳатдан зарарсиз Атилла 10% эм.к. ҳамда Химфакс 40% эм.к. қўллаш мезонлари аниқланган;

агробиоценоз ўрмонзорларидаги қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига уйғунлашган қарши кураш тадбирлари тизими қўлланилганда иқтисодий самарадорлик гектарига 5504,0-9919,6 минг сўмни, рентабеллик даражаси 191-321% ни ташкил қилиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат: Қорақалпоғистон агробиоценоз ўрмонзорларида қишлоқ хўжалик экинлари экилган майдонларда зарар келтирадиган кемирувчи, сўрувчи зараркунанда турларининг ривожланиш биоэкологияси, динамикаси ва зарар келтириш даражасини аниқлаш, зараркунандаларнинг тарқалган ареаллари ҳамда уларнинг келтирадиган зарарини камайтириш усуллари ишлаб чиқилган. Натижада бегона ўтларда кўпайган тунламлар, чигирткаларнинг турлари қишлоқ хўжалик экинларига миграция қилиб, ғўза даласининг 1 м<sup>2</sup> қисмида 0,5-4,5 дона, сабзавотларда 1,2-6,2 дона, полизда 0,3-2,9 донагача кўпайиб, ҳосилнинг 25,3-34,2 фоизини сақлаб қолинишига эришилиб, самарадорлик 73,5-75,8%, ташкил қилган. Ушбу қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши кураш усуллари амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Тадқиқотлардан олинган натижалар махсус комиссия томонидан апробациялардан ўтказилиб ижобий баҳоланганлиги, етакчи мутахассислар томонидан тан олинганлиги, лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларида олинган натижаларга математик-статистик ишлов берилганлиги, диссертация хулосалари ва тавсияларнинг ишончлилиги республика, халқаро ва хорижий давлатларда ўтказилган илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилиниб, илмий нашрларда чоп этилганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти Агробиоценоз ўрмонларидаги ўсимлик турлари, жойлашиш хусусиятлари, ушбу биоценозда тарқалган зараркунанда турлари, ривожланиш биоэкологияси, миграция қилиш натижасида кемирувчи ва сўрувчи зараркунандаларнинг салбий таъсирлари натижасида ҳосилнинг 25,3-34,2 фоизи нобуд бўлганлиги ва ғўза, сабзавот, полиз экинларининг гуллаш фазасини 1,2-11,5 кунга орқада қолиб, зарар келтириш мезони ва экинларда сони кўпайишининг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқилиб, илмий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти агробиоценоз ўрмонзорларидаги қишлоқ хўжалик экинларида аниқланган зараркунандаларнинг турлари, биоэкологик ривожланиши, динамикаси, зарар келтириш мезонлари асосида, доминант турларга қарши ўз вақтида кураш чоралари олиб борилиб, зарарнинг иқтисодий чегарасидан пастда ушлаб туриш, таркиби бўйича мураккаб ҳисобланган агробиоценоздаги ўрмон ва қишлоқ хўжалик далаларида ривожланаётган зараркунандаларга қарши кураш усуллари қўлланилиб, асосий турларини 6,3-18,6% камайтириш, зарур бўлганда қўлланилган инсектицидларнинг биологик самарадорлиги 90,0-95,9% ташкил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоғистон агробиоценоз ўрмонлари зараркунандаларга қарши кураш чораларининг илмий асослари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

агробиоценоз ўрмонзорларидаги биотопларга ҳашаротлар турларининг тўпланиши, ривожланиш ва қишлоқ хўжалик экинлари далаларига миграциясини олдини олишда биологик усул Нукус, Кегейли, Чимбой туманларида 350 гектарда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ “Қорақалпоқ агрокимёҳимоя” ХАЖ нинг 2020 йил 8-майдаги 01-07/255-сонли маълумотномаси). Натижада трихограммани гектарига 200000 дона ҳисобида тарқатилганда таъминланган биологик самарадорлик, назоратга нисбатан гектаридан 2,8 центнер пахта, 11,5 ц сабзавот, 12,1 центнер полиз ҳосили сақлаб қолинишига эришилган.

ўрмон хўжалиги тасарруфидаги ерларда миграция қиладиган тунламларга қарши трихограмма тарқатилган (Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги қўмитасининг 2020 йил 17-апрелдаги 141/1-сонли маълумотномаси). Натижада ғўза, помидор, қовун пайкалларида гектаридан 2,8-12,1 центнер ҳосил сақлаб қолиниб, иқтисодий самарадорлиги 404908-550408 сўмни, чигирткаларга қарши ғўза, буғдой, маккажўхори далалари атрофида “Атилла супер” (10% эм.к. л/га) препарати ишлатилганда, сарфланган умумий харажат 635000-1085000 сўмни ташкил қилиб иқтисодий самарадорлик 361000-109500 сўмни ташкил қилиши исботланган.

ўрмонзорларда қишки тинимдан чиққан зараркунандаларга қарши қишлоқ хўжалик экинлари далаларида чигиртка тўдаси ғўза, буғдой, маккажўхори далаларига тарқалиб улгурмасдан кимёвий препаратлар ёрдамида ишлов берган (Қорақалпоғистон Республикаси фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг 2020 йил 20-майдаги №01/04-457-сонли

маълумотномаси). Натижада хашоратлар 95-97% нобуд этилганда гўза далаларида 5,9 центнер, бўғдой-5,8 центнер ва маккажўхорида 8,6 центнер ҳосил ҳимоя қилиб қолиш натижасида иқтисодий самарадорлик гектаридан 361000-109500 сўми ташкил қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотлар ўтказилган йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш Маркази бош директорининг 2018 йил 4-июндаги 92-сонли бўйруғига асосан Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалида ҳамда Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказининг 2019 йил 1-июндаги 19-сонли бўйруғига асосан Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали мутахассисларидан иборат махсус апробация комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиб, ҳисоботлар ТошДАУ Нукус филиалининг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шулардан 7 та мақола, шундан 1 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида 1 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши: кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган илмий ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.


Диссертациянинг «**Агробиоценоз ўрмонзорлари, ўсимликлар турлари, ривожланадиган хашаротларнинг биоэкологияси**» деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳига бағишланган бўлиб, мавзу бўйича чоп этилган хорижий ва маҳаллий илмий манбалар, интернет маълумотлари ва ушбу соҳада тадқиқот ишларини олиб борган олимларнинг илмий ишлари таҳлил қилиниб, хулосалар чиқарилган, мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб назарий ва амалий янгиликлари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказилган жой тавсифи, қўлланилган услублар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар олиб борилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароити, ўсимлик турлари, тавсифи ҳамда тадқиқотларда қўлланилган услублар баён этилган. Тажрибалар ўрмон ва агробиоценозларга яқин жойлаштирилган қишлоқ хўжалиги экинлари экилаётган фермер хўжаликлари далаларида ва томорқа ерларида олиб борилди. Ўсимликлар, хашаротлар турларини аниқлаш ва бошқа лаборатория

ва кичик дала тажрибалари ТошДАУ НФ ва ҚҚДИТИ лабораторияларида, ишлаб чиқариш тажрибалари фермер хўжаликлари далаларида ўтказилди. Тадқиқотлар учун зарур бўлган, 2016-2019 йиллардаги ҳаво ҳарорати, нисбий намлиги ва ёғингарчилик меъёрлари «Чимбой» метеостанциясидан олинди.

Тадқиқотлар 2016-2019 йиллар давомида ўтказилиб, вариантларнинг жойлаштирилиши рендимизр усулида Б.А.Доспехов ва А.К.Гар, Ш.Нурматов ва б. методик усулларида фойдаланилиб олиб борилди. Қўйилган талаблар бўйича олиб борилган кузатув ва тадқиқотлар Б.П.Адечкеевич, В.Б.Голуб ва б., В.И.Танский, К.В.Новожилов, Ш.Т.Хўжаев ва б., Х.Х.Кимсанбаев, Б.А.Сулаймонов томонидан тавсия қилинган методик усуллардан фойдаланилиб ўтказилди. Қўлланилган кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги В.Аббот формуласи, энтомофаглар самарадорлиги Х.Р.Мирзалиева усуллари ёрдамида ҳисобланди. Тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги А.Ф.Ченкин, Ш.Т.Хўжаев ва б. усуллари ёрдамида, олинган маълумотлар математик-статистик таҳлил қилиниб, вариантлар орасидаги энг кичик фарқ (ЭКФ) ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг «Мониторинг ва ахборот технологияларини қўллаш бўлими»да яратилган компьютер дастури асосида аниқланди.

Диссертациянинг «**Агробиоценоз ўрмонзорлари, ўсимликлар турлари, ривожланадиган ҳашаротларнинг биоэкологияси**» деб номланган учинчи бобининг «**Қорақалпоғистон агробиоценози ўрмонзорларининг ўсимликлар дунёси ва жойлашиши**» мавзусидаги бўлимида тадқиқот объектининг тарқалган ареаллари, ҳудуд шароитининг туманлар бўйича жойлашиш хусусиятлари ёритилган. Ушбу биотопларда ўсимликлар асосий турларининг ўрмонзорларда, агробиоценоздаги бўш ерларда ва қишлоқ хўжалик экинлари далаларида ўсаётган турларидан ташкил топган биохилма-хиллик кўрсатилган (1-расм).



2018 йил ҳолати

-  - Амударё
-  - Ўрмонзор ва қишлоқ хўжалиги экинлари

**1-расм.** Қорақалпоғистон Республикаси шароитида тадқиқотлар олиб борилган туманлар (6. Қораўзак-5,89; 7. Кегейли-0,92; 10. Нукус-0,94; 15. Чимбой-1,44) агробиоценози жойлашиши, 2017-2019 йй.

Натижаларнинг асосий хулосаларида Қорақалпоғистон ҳудудидаги мавжуд ўрмонзорлар Амударёнинг икки қирғоғи бўйлаб жойлашиб, ушбу туманлардаги агробиоценозларда қишлоқ хўжалик экинлари турларини ўзига хос шароитда шакллантирилганлиги исботланган.

Кузатувлар натижаси мавжуд ўрмонзор ва агробиоценозларда асосан бута ва ярим бута ўсимликлардан: тўранғил, юлғун, чинғил, шарқ жийдаси, қорабароқ, ингичка баргли жийда, тол, тут; мевали дарахтлардан: олма, нок, ўрик, шафтоли ва б. учрайди. Мазкур турлар билан бирга чўпсимон кўп ва бир йилликлардан: кўйпечак, ширинмия, қамиш, янтоқ, дағал кендир, ит узум, курмак, шўралар, семиз ўт, кўйтикан, ҳашаки сабзи, ит қовун, какра, исирик, оқбош турлари агробиоценознинг асосий таркиби эканлиги кўрсатилди. Мазкур ўсимликлар сони тарқалган ареаллари қишлоқ хўжалик экинлари экилмай бўш қолдирилган жойларда кўпроқ ўсиши қайд этилган.

Кузатувлар олиб борилган туманларнинг ушбу агробиоценозида қишлоқ хўжалик экинларидан ғўза (2-10 га), буғдой (4-12 га), шоли (3-25 га), сабзавотлар (1-8 га), полиз (1-5 га), беда (4-8 га), дуккакли экинлар (0,5-1 га) ва мевали дарахтлар (0,2-3 га) турлари асосий майдонларга жойлаштирилган. Қишлоқ хўжалик экинлари асосий турларидан буғдой, шоли ва полиз экинлари ўрмонзорларга яқин бўлган жойлардаги далаларда кўпроқ экилиши аниқланди. Натижада агробиоценозни ташкил қиладиган биотопларда, жумладан, қишлоқ хўжалик экинлари атрофларида ва далада номлари келтирилган кўп ва бир йиллик бегона ўтлар тарқалганлиги маълум бўлди. Шунингдек мавжуд биохилма-хиллик шароити бўғимоёқлилар турларининг, асосан қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтирадиган зараркунанда турларининг ривожланиш биоэкологияси ва динамикаси учун мақбул муҳит эканлиги исботланган.

Диссертациянинг «**Ўрмонзорлар ва агробиоценоздаги ҳашарот ва каналар тур таркиби, эгаллаган ўрни**» мавзусидаги бўлимида мавжуд биотопларда тарқалиб ўсимликлар билан озиқланадиган ҳашарот ва каналарнинг тур таркибини ва доминант турларининг ривожланиш биоэкологияси, динамикасини аниқлаш бўйича олиб борилган кузатув натижалари келтирилган.

Мазкур шароитдаги мавжуд ўрмонзор ва агробиоценозларда ўсаётган танали дарахтларда 4 турдаги ҳашаротлар, агробиоценоз биотопларида 18 тур кемирувчи зараркунандалар учраб, 6 тури стациялар бўйлаб миграция қилиш хусусияти юқори эканлиги аниқланган. Сўрувчи зараркунандалардан 9 туридан 4 тури экинлар далаларига миграция қилиб зарар келтириши қайд этилган.

Натижада қишлоқ хўжалик экинларига максимал даражада зарар келтирадиган турлар ҳисобида кемирувчи тунлам (*Noctuidae*), чигиртка (*Acrididae*), ширалар (*Aphididae*), қандалалар (*Miridae*) турлари ва ўргимчаккананинг (*Tetranychidae*) асосий тур эканлиги исботланган. Зараркунандалар асосан ўрмонзор ва агробиоценоз биотопларида ўсаётган бегона ўтларда кўпайиб, май ойдан бошлаб экинлар далаларига миграция қилиб, вегетация даври охиригача ривожланиши давом этиши аниқланган.

Ушбу биотопларда кўпайиб ёппасига экин далаларига миграция қилган зараркунандалар ғўза даласининг 1 м<sup>2</sup> майдонида 0,5-4,5 дона, сабзавотнинг 1,2-6,2 дона, полизнинг 0,3-2,9 дона ниҳолларига зарар келтириши аниқланган. Натижада йил охиригача, ҳосилнинг 25,3-34,2% нобуд этганлиги ҳисобга олинган. Сўрувчилардан: тамаки трипси (*Thrips tabaci* Land.), полиз (*Aphis gossypii* Glov.), акация (*Medicaginis craccivora* Koch.), ўрик-қамиш (*Hyalopterus pruni* Geoffr.) ширалари, дала қандаласи (*Lygus pratensis* L.) ва ўргимчаккана (*Tetranychus urticae* Koch.) турлари даладан ташқаридаги бегона ўтларда кўпайиб, сўнг эса ғўза, сабзавот, полиз экинларида ривожланади. Ушбу турларнинг озикланиши туфайли гуллаш фазаси 1,2-11,5 кунга орқада қолиб ҳар бир ўсимликдан 6,3-18,6% ҳосил камайиши кузатилади. Зараркунанда турларининг миграция қилиш жараёнларининг мақбул шароитларида қарши кураш тадбирларини олиб бориш назарий ва амалий жиҳатдан самарали усул эканлиги исботланган.

Диссертациянинг **«Зараркунандалар сонини камайтирадиган тадбирларини қўллашнинг илмий асослари»** деб номланган тўртинчи бобида ўрмонзор ва агробиоценознинг биотопларида кўпайиб, қишлоқ хўжалик экинлари далаларига миграция қилиб зарар келтирадиган зараркунандалар турларига қарши мақбул вақт, меъёрада агротехник, биологик ва кимёвий кураш усулларини олиб бориш бўйича тадбирларни қўллаш натижалари берилган.


Бу борадаги тадқиқотлар ушбу биотопларда энтомоокарифагларнинг турлари ва ривожланиши туфайли зараркунандалар сонини камайтиришдаги аҳамияти тўла исботлаб берилган. Натижалар 1-жадвалда кўрсатилишича, асосий жойни эгаллайдиган 14 та турдан йиртқичлик шаклида ҳаёт кечирадиган 11 та, паразитлардан эса 3 та тури тарқалганлиги аниқланган. Тарқалган ареаллари бўйича доминант ҳисобланадиган йиртқичлардан хонқизи, олтинкўз, сирфид пашшаси, паразитлардан трихограмма ўрмонзор, агробиоценозлар билан бирга, қишлоқ хўжалик экинлари далаларида апрел ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб пайдо бўлиши аниқланган. Мазкур кушандалар зараркунандалар сонини камайтиришда аҳамияти қатта эканлиги исботланган. Эрта баҳордан бошлаб трихограммани тунламлар тухум кўйган далаларга профилактик кураш учун гектарига 200 000 дона ҳисобида тарқатилганда биологик самарадорлиги 71,3-75,8% ташкил қилишдан ташқари, табиий популяцияси кўпайиши ҳисобга олинган.

Ҳудуднинг ўрмонзор ва агробиоценозидаги бегона ўтлар ўсаётган биотопларда қишлаб чиққан чигиртка турлари эрта баҳордан кўпайишни бошлайди. Турларнинг қишлоқ хўжалик экинлари далаларига миграция қилиб зарар келтиришини ҳисобга олиб, мазкур жойларда куз ва баҳор ойларида шудгор, шўр ювиш мақсадида яқоб суви берилганда зараркунанда тухумининг асосий қисми ва бошқа турлари йўқ этилиши аниқланди. Натижада вегетация даври охиригача қишлоқ хўжалик экинлари далаларига зараркунанда тўдалари миграция қилишининг олди олинди (2-расм).

Ўрмонзор ва агробиоценоз биотопларида учрайдиган энтомоокарифаг турлари  
(Нукус, Чимбой, Қораўзак туманлари, 2016-2019 йй.).

Номлари		Ҳашарот-ларга нисбатан таъсири	Ўрмонзор-ларда	Агробио-ценознинг бўш жойларида	Қишлоқ хўжалик экинлари далаларида
Ўзбекча	Латинча				
Хон қизи	<i>Coccinellidae</i>	Йиртқич	+++	+++	+++
Олтинкўз	<i>Chrysora Carneae Steph</i>	Йиртқич	+++	+++	+++
Йиртқич кўнғиз	<i>Orius niger Wolff</i>	Йиртқич	++	+++	+
Сирфид пашшаси	<i>Syrphus corollae F.</i>	Йиртқич	+	+++	+++
Тахина пашшаси	<i>Ernestia consobrina Mg</i>	Йиртқич	+++	++	+
Ниначилар	<i>Odonata</i>	Йиртқич	+++	+++	+
Бешиктербатар	<i>Mantodea</i>	Йиртқич	++	+++	+
Апантелис	<i>Apanteles telengai Tobias</i>	Йиртқич	+	+++	++
Ўргимчаклар	<i>Pholcus phalangoideus</i>	Йиртқич	++	+++	++
Трихограмма	<i>Trichogramma evanescens Westw</i>	Паразит	+	+	+++
Бракон	<i>Bracon hebetor Say</i>	Паразит	+	+	+++
Энкарзия	<i>Encarzia formosa Gah</i>	Паразит	-	+	+++
Стафилинид	<i>Altjchara bilineata Gyle</i>	Йиртқич	+++	++	+
Дала секиргичи	<i>Cicindela campestris L.</i>	Йиртқич	+++	+	+

Изоҳ: – учрамайди; + -кам сонда; ++-ўртача; +++-кўп сонда.




**2-расм. Италия чигирткаси қишлаётган далада агротехник тадбир самарадорлиги**  
(Нукус, Қораўзақ туманлари, 2018-2019 йй.).

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик экинлари далаларида ривожланмай, ўрмонзор ва агробиоценозда кўпайиб экинларга миграция қилиб зарар келтирадиган турларига қарши кураш усулларининг самарадорлиги ўрганилди. Жумладан, Италия чигирткасига қарши ушбу биотопларда май ойининг охиригача, биринчи ва иккинчи ёш личинкаларига қарши кимёвий пепаратлар билан ишлов берилганда 90,0-95,9% зараркунанда нобуд бўлиб, чегарадош жойлашган ғўза, бўғдой, маккажўхори далаларига миграция қилишининг олди олинади. Далада зараркунандаларга қарши препаратларни қуллашнинг самарадорлиги 3-расмда берилган.

Кўриниб турганидек июн ойигача қишлоқ хўжалик экинлари далалари атрофларидаги биотопларнинг 1м<sup>2</sup> қисмида 18,6-22,5 донадан чигирткалар пайдо бўлганда кимёвий препаратлар ёрдамида ишлов берилиб, бир кун ўтиши билан 75,8-86,1% зараркунанда нобуд қилинган бўлса, 14-куни тадбирнинг биологик самарадорлиги 95,0-96,0% ташкил қилинганлиги ҳисобга олинган.

Натижада мазкур кураш тадбирлари олиб борилган биотопларга чегарадош жойлашган ғўза, бўғдой, маккажўхори далаларига чигиртка турлари миграция қилишининг олди олиниб, далада зараркунандаларга қарши препаратларни ишлатиш талаб этилмаслиги исботланган.

Қишлоқ хўжалик экинлари ниҳоллари билан озикланиб, вегетация даври бошланиши билан зарар келтирадиган тунламлар тухумларига қарши биологик самарадорлиги аниқланган даладаги ўсимликлар ҳосили ҳисобга олиб борилди. Тадбирлар олиб борилган даладаги экинлар ҳосили, назорат даласидаги ҳосилдорлик билан таққосланиб, химоя қилинган ҳосил меъёри ҳисобланди.



Изох: Май ойининг учинчи ўн кунлигида ишлов берилди.

### 3-расм. Агробиоценоз биотопларида чигирткаларга қарши кимёвий кураш тадбирларининг биологик самарадорлиги (Нукус тумани, 2016-2018 йй., ОВХ-600 (300 л/га)).

Бундан кўришиб тургандек, ғўза, сабзавот, полиз экинлари дала атрофларидаги биотопларда қишловдан чиққан тунламларга қарши профилактик кураш мақсадида биологическая лабораторияда кўпайтирилган трихограммани гектарига 200 000 дона ҳисобида тарқатилган усулнинг самарадорлиги аҳамиятли даражада.

Кураш тадбирини олиб бориш натижасида таъминланган биологический самарадорлик, энтомофаг тарқатилмаган далага нисбатан гектаридан 2,8-12,1 центнер ҳосил сақлаб қолинган.

Бошқа далалардан тунламлар мазкур қишлоқ хўжалик экинлари далаларига миграция қилиб, экинлар кўчатларига тухум қўйишни бошлагандан кейинги тарқатилган трихограмманинг биологический самарадорлиги профилактик тадбир билан бирдек даражада ташкил қилганлиги ҳисобга олинган эди. Шунга қарамадан далада химоя қилиб қолинган ҳосил меъёри орасида катта фарқ бўлганлиги ҳисобга олинди.

**Тунлам тухумларига қарши трихограмма энтомофаги қўлланилган даладаги хўжалик самарадорлиги (химоя қилинган ҳосил ц/га) (2019 йил)**

Ўсимлик	Тадбирлар	Қайтариқлар			Умумий	Ўртача
		I	II	III		
<b>Агробиоценоз биотопларда профилактик кураш мақсадида тарқатилди</b>						
Вза	Ишлов берилди	25,8	24,5	25,6	75,9	25,3
	Ишлов берилмади	23,9	22,8	20,8	67,5	22,5
	Назоратга нисбатан, ±	1,9	1,7	4,8	8,4	2,8
Помидор	Ишлов берилди	163,3	164,6	162,9	490,8	163,6
	Ишлов берилмади	151,9	153,8	150,6	456,3	152,1
	Назоратга нисбатан, ±	11,4	10,8	12,3	34,5	11,5
Қовун	Ишлов берилди	173,5	176,4	172	522,6	174,2
	Ишлов берилмади	172,7	161,9	151,7	486,3	162,1
	Назоратга нисбатан, ±	0,8	14,5	20,3	36,3	12,1
<b>Далада пайдо бўлган тухумларга қарши тарқатилди</b>						
Помидор	Ишлов берилди	23,6	21,2	25,1	69,9	23,3
	Ишлов берилмади	22,3	22,6	20,5	65,4	21,8
	Назоратга нисбатан, ±	1,3	-1,4	4,6	4,5	1,5
Қовун	Ишлов берилди	158,8	158,9	160,8	478,5	159,5
	Ишлов берилмади	152,5	154,1	153,0	459,6	153,2
	Назоратга нисбатан, ±	6,3	4,8	7,8	18,9	6,3
Макка-жўхори	Ишлов берилди	172,0	170,5	172,3	514,8	171,6
	Ишлов берилмади	165,3	167,6	166,0	598,9	166,3
	Назоратга нисбатан, ±	6,7	2,9	6,3	15,9	5,3

ЭКФ<sub>05</sub>=1,6 ц/га

Диссертациянинг «Агробиоценоз зараркундаларига қарши кураш тадбирларининг хўжалик-иқтисодий самарадорлиги» деб номланган бешинчи бобида зараркунанда турларига қарши кураш тадбирлари олиб борилгандаги иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш бўйича маълумотлар берилган (3-жадвал).

3-жадвал.

**Зараркундаларга қарши қўлланилган кураш тадбирларининг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги (Нукус, Чимбой туманлари, 2018-2019 йй.).**

Кўрсаткичлар	Тунлам тухумларига қарши трихограмма				Чигирткаларга қарши кимёвий препаратлар			
	Вўза		Помидор		Вўза		Буғдой	
	Ишлов берилди	Назорат	Ишлов берилди	Назорат	Ишлов берилди	Назорат	Ишлов берилди	Назорат
Ҳосилдорлик, ц/га	25,3	22,5	163,6	152,1	26,5	19,8	39,5	31,2
Сақлаб қолинган ҳосил, ц/га	2,8	-	11,5	-	6,7	-	8,3	-
Объект нархи, минг сўм/га	14,9	-	14,9	-	170,0	-	170,0	-
Ишлов беришга сарфланган маблағ, минг сўм/га	9,6	-	9,6	-	45,0	-	45,0	-
Сақлаб қолинган ҳосилни йиғиш учун сарфланган харажат, минг сўм/га	664,0	-	830,0	-	870,0	-	420,0	-
Ҳимоя учун умумий харажат, минг сўм/га	688,5	-	854,5	-	1085,0	-	635,0	-
Ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм/га	5050,4	5050,4	7263,5	7263,5	5050,4	5050,4	3901,0	3901,0
Умумий харажатлар, минг сўм/га	5439,0	5050,4	7518,	7263,5	6135,4	5050,4	4536,0	3901,0
Ҳосил баҳоси, минг сўм/га	7843,0	6975,0	1145,2	1064,7	8215,0	6138,0	4740,0	3744,0
Умумий соф фойда, минг сўм/га	2403,9	1924,5	3933,8	3385,4	2079,5	1087,5	2040,0	-157,0
Назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик, минг сўм/га	4794,0	-	5504,0	-	9919,6	-	3610,0	-
Сарфланган 1 сўмнинг қопланиши, сўм	3,5	-	4,6	-	1,91	-	3,21	-
Рентабеллик даражаси, %	350	-	460	-	191	-	321	-

Изоҳ: Назоратда ишлов берилмаганда.

Натижада, қишлоқ хўжалик экинлари далаларига ташқари биотоплардан миграция қилиб келадиган тунламларга қарши биологаторияда кўпайтирилган трихограммани гектарига 200000 дона тарқатиш учун, умумий

харажатлар 5439,0-7518 сўмни ташкил қилган. Чигирткаларга қарши кимёвий препаратлар ишлатилганда 6135,4-4536,0 сўмни ташкил қилиб, ғўзадан 2,8-6,7 ц, помидорда 11,5 ц, буғдойда 8,3 центнер ҳосил ҳимоя қилиб қолиниши эвазига тадқиқот далаларида назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик гектаридан 3610,0-9919,6 сўмни ташкил қилиб сарфланган 1 сўм 1,91-3,21 сўм даражасида қопланиши ҳисобга олинган. Натижалар ишлаб чиқаришга жорий этилганда тўла исботланди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Қорақалпоғистон шароити ўрмонзорлари ва агробиоценозда кўп йиллик бегона ўтлардан ширинмия, янтоқ, юлғун, жийда, камиш, қорабароқ; бир йилликлар шўралар, курмак, дағал каноқ, қўйтикан турлари учраб, қишлоқ хўжалик экинларидан ғўза (2-10 га), буғдой (4-12 га), шоли (3-25 га), сабзавотлар (1-8 га), полиз (1-5 га), беда (4-8 га), дуккакли экинлар (0,5-1 га) ва мевали дарахтлар (0,2-3 га) турлари асосий майдонларга экилиб, турлари орасида узвий боғлиқликлар мавжуд.

2. Ўрмонзорлардаги қишлоқ хўжалик экинлари бегона ўсимликлар ўсаётган жойларга яқин бўлиши ва ушбу биоценозда бирдек ўсимликларнинг мавжудлиги биотопларда тарқалган ҳашаротлар турлари ривожланишига таъсир этадиган мақбул омил ҳисобланиб, зараркунандаларига қарши олиб бориладиган кураш тадбирларида ушбу биологик боғлиқликни ҳисобга олиш керак.

3. Мазкур биотопларда тарқалган кемирувчи зараркунандалардан тунламлар, чигирткаларнинг турлари бегона ўтларда кўпайиб, май ойининг охири июн ойида қишлоқ хўжалик экинларига миграция қилиб, ғўза даласининг 1 м<sup>2</sup> қисмида 0,5-4,5 дона, сабзавотларда 1,2-6,2 дона, полизда 0,3-2,9 донагача кўпайиб, ҳосилнинг 25,3-34,2 фоизини нобуд этади. Сўрувчи зараркунандалардан тамаки трипси, ўрик-камиш шираси, қандала, ўргимчаккана турлари апрел ойида қишлоқдан чиқиб, май ойининг бошидан қишлоқ хўжалик экинлари далаларига миграция қилади ва ғўза, сабзавот, полиз экинларида июн ойи охиригача озикланиб, гуллаш фазасини 1,2-11,5 кунга орқада қолдириб, ҳосилни 6,3-18,6% камайтиради.

4. Ҳашаротлар турлари тарқалган ўрмонзорлардаги агробиоценознинг қишлоқ хўжалик экинлари биотопларида йиртқич энтомоакарифаглардан 11 ва паразитлардан 3 тури кенг тарқалиб, хонқизи, олтинкўз, сирфид пашшаси ушбу биотопларда фаол миграция қилиши ҳисобга олинди.

5. Қишлоқ хўжалик экинлари дала атрофларидаги чигирткалар тухуми қишлаётган биотопларда куз ва баҳор ойларида тупроқни 30-35 см чуқурликда шудгорлаш, шўр ювиш мақсадида яхоб сувини бериш зараркунандаларнинг далага миграциясининг олдини олади.

6. Чигирткалар қишлоқдан чиқаётган жойларда май ойининг охиригача, биринчи ва иккинчи ёшдаги личинкалари Багира”, 20% с.э.к. (0,05-0,1 л/га), “Атилла супер”, 10% эм.к. (0,075-0,125 л/га), “Химфакс”, 40 эм.к. (0,1-0,2 л/га)

ёрдамида 90,0-95,9% гача нобуд этилганда, ғўза, буғдой, маккажўхори далаларига миграция қилиши ва зарар келтиришининг олди олинади.

7. Ўрмонзор ва агробиоценоз биотопларида тунламларга қарши биологаторияларда кўпайтирилган трихограмма тарқатилганда, ғўза, помидор, қовун далаларида биологик самарадорлиги 73,5-75,8%, гектаридан 2,8-12,1 центнер ҳосил сақлаб қолиниб, иқтисодий самарадорлиги 404,9-550,4 минг сўмни ташкил қилиши исботланди.

8. Қишлоқ хўжалик экинларига миграция қиладиган чигирткаларга қарши ғўза, буғдой, маккажўхори далалари атрофларида “Багира”, 20% с.э.к. (0,05-0,1 л/га), “Атилла супер”, 10% эм.к. (0,075-0,125 л/га), “Химфакс”, 40 эм.к. (0,1-0,2 л/га) пререпаратлари ишлатилганда, сарфланган умумий харажат гектарига 635,0-1085 минг сўм, иқтисодий самарадорлик 361,0-1085 минг сўмга, тадбирнинг рентабеллик даражаси 191-321% ни ташкил қилади.

9. Қорақалпоғистон агробиоценози ўрмонзорлари зараркунандаларига қарши кураш учун:

қишлоқ хўжалик экинлари жойлаштирилган далалар атрофларидаги ўрмонзорлари ва агробиоценознинг биотопларидаги бегона ўтларда тарқалган зараркунандалар турлари, далага миграцияси доимий назаротда бўлиши:

мавжуд ўрмонзорлардаги агробиоценоз биотопларида ўсадиган кўп йиллик ўсимликлардан ширинмия, янтоқ, юлғун, жийда, қамиш, қорабароқ, бир йилликлардан шўралар, курмак, дағал каноп, қўйтиканда ерта баҳардан ривожланадиган тунламлар тухумлари пайда бўлиши билан гектарига 200 000 дона ҳисобида биологаторияларда кўпайтирилган трихограмма тарқатиш:

қишлоқ хўжалик экинлари далалари атирафларида кўпайишни бошлаган чигирткалар мавжуд жойлар аниқланиб, тула қишлоқдан чиқиб бўлиши билан гектарига 300 литр сув меъёрида кимёвий препаратлардан Багира, 20% с.э.к. (0,05-0,1л/га), Атилла супер, 10 % эм.к. (0,075-0,125 л/га), Химфакс, 40 эм.к. (0,1-0,2 л/га) биттаси билан ишлов бериш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 05/30.10.2020. Qx. 126.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ PhD ПРИ АНДИЖАНСКОМ ИНСТИТУТЕ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИЙ**

---

**КАРАКАЛПАКСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И  
АГРОТЕХНОЛОГИИ**

**АЙТИМОВ ИСЛАМБЕК АЛИМБЕТОВИЧ**

**НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ МЕР ПО БОРЬБЕ С ВРЕДИТЕЛЯМИ В ЛЕСНЫХ  
НАСАЖДЕНИЯХ КАРАКАЛПАКСКОГО АГРОБИОЦЕНОЗА**

**06.01.09 – Защита растений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ НАУК**

**Андижан – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.2.PhD/Qx213

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Каракалпакском институте сельского хозяйства и агротехнологии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу ([www.andqhai.uz](http://www.andqhai.uz)) и на информационно - образовательном портале "Ziyonet" по адресу ([www.ziyonet/uz](http://www.ziyonet/uz)).

**Научный руководитель:**

**Торенизов Елмурат Шерининович**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Мирзаева Саида Абдусаломовна.**  
доктор сельскохозяйственных наук, доцент  
**Хайтмуратов Арсланбек Файзуллаевич.**  
доктор сельскохозяйственных наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Институт зоологии Академии наук  
Республики Узбекистан**


Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится «16» 02 2022 года в 1400 часов на заседании Научного совета PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 при Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологий. (Адресу: 170600, Андижанская область, Андижанский район, поселок Куйган яр, улица Олийгох, дом 1. АКХАИ. Тел.: (+99874) 373-10-54; факс: (+99874) 373-13-63; e-mail: [agai\\_info@edu.uz](mailto:agai_info@edu.uz), Административный корпус Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологии, I этаж, зал заседаний.

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологий (зарегистрирована № 15). Адрес: 170600, Андижанская область, Андижанский район, поселок Куйган яр, улица Олийгох, дом 1. АКХАИ. Тел.: (+99874) 373-10-54; факс: (+99874) 373-13-63; Информации ресурс центра.

Автореферат диссертации разослан «07» 02 2022 года  
(реестр протокола рассылки № 15 от 07.02 2022 года)



  
**А.Исанов,**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёной степени, д.с.х.н.,  
профессор

  
**С.О.Абдурахмонов,**  
Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёной степени, д.с.х.н.,  
с.н.с.

  
**К.С.Комилов,**  
Председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению учёной  
степени, к.с.х.н., доцент.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Во всем мире леса являются важнейшим биологическим ресурсом биосферы как важный биологический фактор и источник возобновляемых ресурсов, необходимых для потребления человеком. «На Земле 336,2 тыс. км<sup>2</sup> лесов, что составляет 30,8% площади суши. В частности, больше всего лесов в России (8148895 км<sup>2</sup>) и Бразилии (4925540 км<sup>2</sup>)». В то время как существующие леса являются ключевым фактором поддержания баланса климата региона, в агробиоценозе они являются территориями выращивания сельскохозяйственных культур и выращивания сельскохозяйственной продукции, необходимой для потребления человеком. Важным представляется определение биоэкологии, динамики и уровня развития грызунов, сосущих видов вредителей, наносящих ущерб сельскохозяйственным культурам, выращиваемым в этих районах, а также совершенствование мер борьбы с ними.

В настоящее время ведущими мировыми исследовательскими центрами USDA-ARS, Crop Germplasm Unit., Центрального института исследований хлопка, CIRAD, Исследовательского института хлопка CAAS, CSIRO Plant Industries, Австралийского центра гермплазмы тропических зерен выявляются виды вредители агробиоценозов, обосновывается их ущерб, и проводились исследования для управления их количеством. В результате нормализовалась численность вредителей в агробиоценозе, достигнуто сохранение качества агробиоценоза. Проведение исследований по управлению видами и численностью присутствующих в агробиоценозе вредителей, определение их биологии, экологии и уровня заражаемости является актуальным вопросом на сегодняшний день.

Леса республики являются бесценным природным ресурсом для населения и занимают площадь 32088 км<sup>2</sup>. Важно уменьшить прямое негативное воздействие вредителей на сельскохозяйственные культуры в агробиоценозах тугайных лесов Приаралья, т.е. по обоим берегам Амударьи. Для решения этой проблемы разработка научно обоснованных мероприятий по борьбе с основными опасными вредителями агробиоценоза является одной из актуальных задач отрасли. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлены задачи по реализации ряда мероприятий по «...модернизации и опережающему развитию сельского хозяйства:». Для этого необходимы исследования по выращиванию устойчивых к болезням и вредителям сельскохозяйственных культур, адаптированных к местным климатическим и экологическим условиям, а также внедрение передовых технологий и производства.

Данная диссертация служит в определенной степени реализации задач, поставленных постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 20 декабря 2017 года № 1004 «О мерах по созданию и реконструкции защитных и озеленительных лесных насаждений и благоустройству территорий вдоль водохозяйственных объектов», 10 октября 2018 года №717 «О дополнительных мерах по совершенствованию деятельности органов государственного лесного

хозяйства и использованию природных ресурсов приграничных территорий лесных хозяйств» и в других нормативных актах по решению этих вопросов.

